

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГЕОГРАФИЯ КАФЕДРАСИ

**Табиатшунослик факультетининг география мутахассислиги
4^б-курс талабаси Абдамбетов Абдикарим Саламатдиновичнинг**

Мутахассислик битирув иши

**Мавзу: Қорақалпоғистон Республикаси кичик шаҳарларининг
социал-иқтисодий ривожланиш истикболлари (кегейли тумани
халқабад шаҳри мисолида)**

Илмий раҳбар

доц. Алланазаров К.Ж.

Кафедра мудири

доц. Ходжаева Г.А.

Нукус-2012

МУНДАРИЖА

Бети

КИРИШ.....

I БОБ. Халқабод шаҳрининг географик жойлашган урни..

- §1.1. Шаҳар ҳудуди ва уни камраган ҳудуднинг табиий шароити
- §1.2. Атроф-муҳит ҳолати ва уни муҳофаза қилиш масалалари.....
- §1.3. Халқабод шаҳрининг ривожланиш тарихи.....

II БОБ. Аҳолиси ва меҳнат ресурслари

III БОБ. Халқабод шаҳри халқ ҳўжалигига тавсиф.....

- §3.1. Шаҳарнинг бажарувчи функциялари
- §3.2. *Шаҳарнинг ижтимоий ривожланиш муаммолари*
- §3.3. *Шаҳар микро географияси ва узига хослиги*
- §3.4. *Шаҳарнинг келажакда ривожланиш истиқболлари*

ХУЛОСА

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

КИРИШ

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгандан кейин ўз тарихимиз, маданиятимиз, илим соҳаси, шу жумладан география фанида ҳам янги муваффақиятларга эришмоқдамиз. Республикамизда география фанининг аввал кам ривожланган соҳалари вужудга кела бошлади. Булар сафига иқтисодий ва ижтимоий географиянинг аҳолишунослик, шаҳарлар географияси, аҳолига хизмат кўрсатиш географияси киради.

Бу соҳалар буйича қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилди ва анча натижаларга эришилди.

География фанида шаҳарлар, умуман олганда аҳоли масконлари географияси соҳасида ўзининг ўлишига эга. Сабаби инсоннинг асосий меҳнат фаолияти аҳоли яшаш жойлари, айниқса шаҳарлар билан зич боғлиқ. Хар бир мамлакатнинг хўжалиги, маданияти ва бошқа томонларини ўрганишда биринчи ўринда, унинг шаҳарларига диққат қаратилади. Шаҳарлар В.В.Баранскийнинг ибораси билан айтганимизда мамлакатнинг “командалик пунктидир”.

Қорақалпоғистон Республикасида 12 та шаҳар мавжуд булса, Ўзбекистонда қабул қилинган таснифлаш бўйича уларнинг - 1 таси йирик, 3 таси ўрта, 8 таси кичик шаҳарлар тоифасига киради. Улар республика иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида катта ўрин эгаллайди.

Кичик шаҳарларнинг аҳолиси сони кам бўлишига қарамасдан, уларда катта муаммолар йиғилиб қолган. Бу эса бизнинг фикримизча алоҳида географик тадқиқот олиб боришни талаб қилади.

Республикаимизнингт Кегейли туманидаги Халқобод шаҳри ҳам бундан мустасно эмас. Менинг илмий ишимнинг долзарблиги ҳам айнан ушбу масалалардан келиб чиқади.

Биз ўз олдимизга Кегайли тумани Халқобод шаҳрини тадқиқот қилишни мақсад қилиб қўйганимиздан мақсад, у республикаимизда ўзига хос уринга эга, яъни шаҳарлар ичида марказий-маъмурий функцияга эга эмас ягона шаҳардир.

Тадқиқот ишимнинг асосий мақсади шаҳарнинг иқтисодий-географик шароитини ўрганиш ва истиқболда ривожланиш йўналишларини белгилаш. Бу учун биз ўз олдимизга қўйидаги масалаларни ечишни вазифалар қилиб қуйдик:

- шаҳарнинг географик жойлашган урнини ҳозирги ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кўриб чиқиш;

- шаҳар аҳолисининг демографик ҳолатини, динамикасидаги ўзгаришларни ўрганиш;
- шаҳарнинг иқтисодий ривожланишини тадқиқот қилиш;
- шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболини асослаш.

Халқобод шаҳри ўзининг тарийхий ва ижтимоий ўзига хослигига эга. У республикада энг ёш кичик шаҳар бўлишига қарамасдан, у анча узоқ тарихга эга.

Халқобод шаҳар аҳоли пункти 1978 йилда қишлоқдан шаҳар типидagi посёлкага айлантирилган бўлса, 1986 йили шаҳар статусини олган, яъни 26 йил илгариги шу номга эга бўлган. Халқобод аҳоли пункти номи XIX аср охири XX аср бошида кўплаган тарийхий воқеолар билан маълум.

Ҳозирги кунда шаҳарда (1.01.2012 й.) 14 мингдан зиёд киши яшамокда. Бу кўрсаткич буйича у республика шаҳарлари орасида фақат Шуманай шаҳридан олдинги ўринни эгаллайди.

Шаҳарнинг умумий майдони 4,5 км². Шаҳар Нукус-Тахтакўпир магистрал автомобиль йўлининг икки буйида жанубдан шимолга томон чўзилиб жойлашган. У жанубдан-шимолга 3 км, ғарбдан-шарққа деярли 2 км га чузилган. Шаҳарнинг шарқий қисмида 1,5 км узоқликда Қумшунгил темир йўл станцияси мавжуд. Бу шаҳарнинг транспорт алоқасининг анча яхши эканлигини кўрсатади.

Тадқиқот ишимиз учун маълумотлар манбаи сифатида Кегейли тумани ва шаҳар маъмурияти статистик маълумотлари ва шаҳарда жойлашган тошкilot ва муассасалар маълумотларидан фойдаландик.

Шунингдек битирув ишимни ёзишда география кафедраси профессор-ўқитувчиларининг баҳоли маслаҳатлари менга кўп ёрдам берди. Бунинг учун кафедра аъзоларига ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни билдираман.

1 БОБ. ШАҲАРНИНГ ГЕОГРАФИК ЖОЙЛАШГАН ЎРНИ ВА ТАБИЙИЙ ШАРОИТИНИНГ ТАВСИФИ

§ 1.1. Шаҳар ҳудуди ва уни қамраган ҳудуднинг табиий шароити

Халқабод шаҳри маъмурий-ҳудудий жиҳатдан Қорақалпоқстон Республикаси Кегайли туманига тассаруфида бўлиб, республикаси пойтахти Нукус шаҳридан 26 км шимолда жойлашган.

Унинг тахминий географик координаталари $42^{\circ}42^I$ шимолий кенглик ва $59^{\circ}35^I$ шарқий узунликка тўғри келади. Шаҳарнинг мутлақ баландлиги денгиз сатҳидан тахминан 67-70 м атрофида.

Халқобод шаҳри туманга буйсунувчи шаҳар бўлиб, маъмурий ҳудудий жиҳатдан Кегайли туманининг жанубий-шарқий қисмида жойлашган. Шаҳар Кегайли туманининг қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан, чунончи шарқий, шимолий-ғарбида ва ғарбида Қизил уй; шимолий, шимолий-ғарбий, шимолий шарқий томондан Қумшунгил қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари билан чегаралашади.

Халқобод шаҳри Республикамиз пойтахти Нукус шаҳри шимолда, 26 км узоқликда, Кегайли тумани марказидан эса шарқда, 14 км узоқликда жойлашган.

Шаҳар ҳудудининг асосан Қуёанишжарма ва Кегайли каналлари оралиғида ва Нукус – Тахтақўпир, Нукус – Кегейли магистрал йўллари бўйида жойлашганлиги ўнинг қулай иқтисодий географик ўринга эгалигини белгилаб беради.

Ер юзасининг асосан текисликлардан иборатлиги ва дарё олиб келган ёиқизиклар билан қопланиши аҳолини деҳқончилик билан шуғулланишга қулайлик туғдиради. Халқобод шаҳрининг шарқий қисмидан Қуёанышжарма канали сув тармоғининг қисми бўлган “Тентек арна”си, ғарбий қисмидан Кегайли канали тармоғи “Естек жап” сув билан таъминлаб туради.

Ер юзаси текисликлардан иборат бўлиб, умумий майдони $4,5 \text{ км}^2$, шундан узунлиги 3 км, эни 1,5-2,0 км га чўзилган. Сўнгги йиллари, айниқса 2000–2001 йиллари юз берган сув танқислиги оқибатида шаҳарнинг табиий шароитига ва ресурсларига катта таъсир кўрсатди. Жумладан ер ости сувларининг сатҳи мутахассисларининг сўнгги тадқиқотларига кўра 2,5–3 метрдан 6-8 м га пасайиб кетди. Натижада зах сувларнинг узоқлашишига боғлиқ кўкламзорликлар, шу жумладан ўсимликлар дунёсининг камайишига ва уларнинг ҳолатнинг ёмонлашишига олиб келди.

Кейинги йиллари сув таъминоти бир мунча яхшиланиши билан шаҳардаги тўртта маҳалла кенгаши ҳудудидаги қирқ етти кўчанинг тенг яримидан кўпроғи ҳар хил манзарали дарахтлар билан бурканган.

Халқобод шаҳри собиқ тизим даврида, асосан туман аҳолисига саноат, транспорт, қурилиш тармоқлари ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган бўлиб, 1990 йилги маҳаллий статистика маълумотларига кўра маҳаллий бюджетнинг 2/3 қисмини таъминлаб турган.

Шаҳар рельефи асосан паст текисликлардан иборат. Жанубий-шарқий ва ғарбий қисмларини Кегайли туманининг Қизилуй, Жалпоқжап қишлоқ фуқаролар йиғини, шимоли-шарқий ва шимоли эса Қумшунгил қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудуди билан чегарадош.

Ер юзаси аллювиал ётқизиклардан иборат бўлиб ўтлоқли ва ўтлоқли-кўл тупроқлари кенг тарқалган. Бу ерларда Амударёнинг олиб келган ётқизиклари асрлар давомида антропоген таъсирлар натижасида, яъни канал ва коллектор тизимларини қурилиши ва суғорма деҳқончилик, транспорт йўлларининг солиниши, хўжалик мақдонларини планировка қилиниши, аҳоли яшайдиган турар жой қурилиши натижасида текис, маданий ландшафт шаклига айлантирилган.

Халқобод шаҳри ҳудудида қазилма бойликлар учрамайди. Шаҳарнинг жанубий-ғарбида жойлашган “Ҳайтман кўл”дан маҳаллий халқ лойлар олади. Соз лой асосан турар жойлар солишда ғиштнинг хом ашёси ҳисобланади.

Халқобод шаҳри Республиканинг шимолида Қизилқумга яқин жойлашиши, шимолдан (арктикадан) келадиган совуқ ҳаво массаларининг тўсиқсиз кириб келиши ва ғарбдан келувчи намли ҳаво массаларининг шаҳарнинг иқлим шароитларининг шаклланишида асосий омил ҳисобланади.

1-жадвал

Атмосфера ҳавосининг кўп йиллик уртача ойлик ва йиллик ҳарорати, (°C)

(Материалы по изменчивости климата Приаралья, Т., 1994)

Метео- станция номи	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йи л	Йиллик амплиту да
Мойнақ	-5,7	-5,6	0,4	9,7	18,3	23,9	26,7	25,0	19,1	10,6	3,1	-2,7	10,2	33,0
Кунғират	-5,6	-4,0	2,4	12,1	19,8	24,4	26,5	24,4	18,2	10,1	2,5	-3,1	10,6	32,0
Чимбой	-5,5	-4,0	2,8	12,5	20,2	24,7	26,7	24,2	18,0	9,8	2,3	-3,4	10,7	32,4
Нукус	-5,0	-3,3	3,9	13,3	21,0	26,0	28,0	25,4	19,1	10,8	3,0	-2,9	11,6	33,5
Тахта- кўпир	-8,2	-6,0	2,2	13,0	20,7	26,0	28,6	25,9	19,0	9,5	1,4	-4,7	10,6	37,1

2-жадвал

Метеостанциялар бўйича ҳавонинг мутлақ намлилиги, (мб)

Метеостанция номи	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	йил
Мойнақ	3,7	3,9	5,0	7,9	12,4	16,7	20,0	19,3	14,3	9,2	6,0	4,3	10,3
Кунғират	3,6	3,9	4,9	7,4	10,6	14,9	17,7	16,7	12,0	7,5	4,9	3,5	9,0
Чимбой	3,6	4,0	5,1	7,4	10,4	14,0	16,9	15,5	11,4	7,2	4,7	3,9	8,7
Нукус	3,8	4,2	5,2	7,2	9,8	12,6	15,4	14,6	10,6	7,0	4,7	4,0	8,3
Тахтақўпир	3,6	4,1	4,6	6,4	7,9	9,6	10,6	10,9	7,6	5,7	4,3	3,4	5,6

Шаҳар иқлими континентал мўътадил бўлиб, ёзи ҳаддан ташқари иссиқ ва қуруқ, қиш фасли эса нисбатан совуқ бўлиб келади. Кўп йиллик маълумотларга кўра ҳаво ҳарорати қиш ойларида (январ) – 5–6⁰С, ёз ойларида (июл) + 26-28⁰С га тенг (1, 2, 3-жадваллар). Шаҳарга шимол ва шимолий-шарқдан келувчи совуқ шамолларнинг тўсиқсиз ўтиб келиши натижасида баҳорда кеш ва эрта кузда деҳқончиликка катта зарарли таъсирини теккизади. Бунда баҳорги ва эрта кузги совуқ урушлар кузатилади. Шунингдек айрим йилларда баҳорги кучли ёмғирлар бўлиши деҳқончилик учун катта ноқулай шароитларга олиб келади. Шунинг учун ҳам шаҳар аҳолиси деҳқончилигида иқлим шароитларини ҳисобга олиб совуққа чидамли тезпишар экинларнинг навларини экиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3-жадвал

Йилнинг ва сутканинг ҳар хил даврида ҳаво нисбий намлилик кўрсаткишлари, (%), (Матмуратов Ж., 1989)

Метеостанция номи	Январь					Июль				
	Соат 7 да	Соат 13 та	Соат 19 да	Соат 1 да	Уртача сутка	Соат 7 да	Соат 13 та	Соат 19 да	Соат 1 да	Уртача сутка
Мойнақ	86	77	84	85	83	62	46	56	70	58
Кунғират	86	70	80	85	80	64	33	50	76	56
Чимбой	87	69	81	85	80	62	31	45	74	53
Нукус	86	71	79	84	80	54	28	37	65	46
Тахтақўпир	83	68	76	82	77	44	21	24	44	33

Иқлимий кўрсаткичлари ичида деҳқончилик кўз қарашидан баҳорда ва кузда температуранинг 0⁰С, +5⁰С, +10⁰С ўтиш вақтлари, уларнинг оралиғидаги температуранинг йиғиндиси ва шу даврнинг катталиги аҳамият касб этади.

§1.2. Атроф-муҳитнинг ҳолати ва уни муҳофаза қилиш масалалари

XX асрнинг иккинчи яrimi табиий муҳитнинг ифлосланиши муаммолари билан маълум бўлиб, у айниқса шаҳарларда жуда кескинدير. Шу сабабдан кўпчилик олимлар атроф-муҳитнинг ифлосланиши муаммоларини ҳаттоки ядровий хавфдан ҳам олдинги ўринга қўймоқда.

Атроф-муҳит ифлосланиши муаммоларининг келиб чиқишида ҳамда чигаллашувида бу жараёнларнинг тезлашиш ва ўткирлашувида маҳаллий аҳолининг табиатга нисбатан муносабатларида сабаб бўлмоқда. Бу масалада аҳоли ўртасида экологик билимларнинг етишмаслигида, шунингдек уларни насихатлаш масалаларини кенг юритиш лозим.

Халқобод шаҳрида ҳам табиатни муҳофаза қилиш муаммолари айтарлиқдек даражада кескин бўлиб келади. Шаҳарда канализация тармоқлари йўқлиги сабабли чиқинди сувлари туғридан-туғри кўчаларга чиқарилади. Ушбу чиқинди сувларнинг таркибида турмушимизда кенг қўлланиладиган ҳозирги замон кир ювиш кукунлари ва бошқада кимёвий воситалари кўчага тўкилади. Илмий тадқиқотларга қараганда ҳозирги кир ювиш кукунлари 50-100 йил давомида одамга зарар эканлиги, уларнинг ҳар хил касалларни, чунончи аллергия, нафас олиш органлари касалликларини келтириб чиқаришини аниқлаган.

Шунингдек атроф-муҳитнинг кимёвий бирикмалар билан ифлосланиши, ичимлик сувнинг сифатининг пастлигига ҳар хил касалликларнинг кўпайишига, айниқса кейинги йиллари сузак, сариқ касал касалликларининг вақти-вақти билан кўпайиб, ҳаттоки айрим вақтлари уларнинг эпидемик характерга эга бўлиши юз бермоқда.

Шаҳарда кўкламзорлаштириш масаласи ҳам етарли даражада йўлга қўйилган деб бўлмайди.

Аҳоли дам олиш учун парк ташкил қилинганда яхши бўлар эди. Шаҳарнинг жанубий чеккасидаги «Женис» парки деб аталган жойнинг жуда кичиклиги ва дам олиш шароитлари йўқлиги сабабли бу муаммони ечиш қийин.

Умуман, шаҳарда комплексли табиатни муҳофаза қилиш, унинг шароитини яхшилаш режалари ишлаб чиқилиб амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Йирик саноат ва қурилиш корхоналарида («Халқобод момиғи» акционерлик жамиати, Халқобод йўл қурилиши бошқармаси ва ҳақозо) оқава сувларни тозалаш ускуналари ўрнатилиши лозим. Кўчаларга тошландиқларни йиғиб қўядиган металл

ящиклар кўйилганда кўча ва уй атрофлари яна ҳам тоза бўлишига анча фойда келтирарди.

§1.2. Халқобод шаҳрининг ривожланиш тарихи

Халқобод шаҳри азалдан қорақалпоқ халқининг иқтисодий, географик, тарихий ва маданий турмушида муҳим ўринга эга ҳудудлардан ҳисобланади. Халқобод атамасини олган аҳоли пункти, XX аср бошида шаклланган, расмий турда шаҳар номини 1986 йили олган. Бироқ, Халқобод шаҳрининг ўтмиш тарихи XIX асрга мансуб тарихий эсталик Ичан қаъла билан зич боғлиқ.

Ичан қаъла - ҳозирги Халқобод шаҳрининг жануби-шарқида бир километрдек масофада жойлашган. Ичан қаъланинг ҳозирги вақтдаги кўриниши: аввалги солинган эски қаъланинг кўпчилик бўлимининг деворлари қулаган, фақат озгина деворлари сақланган қолган. Бу ерлар мазорстонга айлантилган.

Ичан қаъла қўрғони XIX асрнинг II яримидан бошлаб солина бошлаган. Ичан қаълада мадраса, масжид, кутубхона, талабалар ётоқхонаси, карвонсаройлар солинган. Ичан қаълада шу вақтдаги саводли ва диний билимларга эга одамлар кўп йиғилган. Мадрасага ўқиш учун кўплаб болалар талабалар келган.

Халқободга асосий халқ 1916-1920 йиллари яумит босмачиларидан ҳимояланган даврда йиғилган. Халқ тажовузкорликдан омон қолгандан сўнг халқимиз энди обод бўлсин деган ниятда Халқобод элати вужудга келган. Унинг турган жойи ҳам асосий йўл устида бўлганлигида аҳолининг тез йиғилишига имкон берган.

Собиқ шўролар ҳукумати ўрнаганнан кейин, дастлабки колхозлар тузилди. Халқобод атрофида кўп сонли майда колхозлар бўлган. Улардаги хўжалик пахта, беда уруғини, мол чорвачилиги маҳсулотларини етиштирган.

Дастлабки мактаб 1922 йили 4-йиллик бўлиб очилди. Кейин у 9 йиллик мактаб қайта қилиб ташкиллаштирилган. 1930 йиллардан бошлаб аҳолининг саводлик даражасини кўтариш мақсадида Халқободга кўплаб ёш ўқитувчилар келган.

1931 йили Халқободда, Қорақалпоғистонда биринчилардан бўлиб МТС (машина-трактор станцияси) очилган.

Урушдан сўнгги йиллари Куйбышев туманининг маркази - Халқободга кўчирилди. 1959 йили Куйбышев тумани Кегайли туманига айлантирилган ва унинг маркази Кегейли қишлоғига кўширилган.

1959 йили ушбу ҳудудда жойлашган 9 та майда колхоз бирлаштирилиб Халқобод совхозига айлантирилган. 1964 йили олдин ишлаб турган цехнинг ўрнидан Халқобод пахта тозалаш заводи ҳозирги вақтда Халқобод шаҳридаги энг катта саноат корхонаси бўлиб ҳисобланади. Пахта тозалаш заводи кўп йиллар давомида пахта толасини қайта ишлаб келмоқда.

1964 йили қурилиш монтажлаш участкаси (СМУ) очилиб, бу корхона республикадаги кўпгина қурилишларга ўзининг ҳиссасини қўшди. 1965 йили Халқободда автокорхона очилиб, ҳозирги вақтда ушбу ташкилотда 90 дан ортиқ ҳар хил маркадаги юк автомобиллари мавжуд. Автокорхона республикада хўжаликларининг юкларини тегишли манзилларгача ташишда фойдаланилади.

Халқобод қишлоғи 1978 йил июнь ойида Ўзбекистон ССР Олий Мажлиси Президиумининг Қарори билан шаҳар типидagi посёлка статусини олди. Ўша даврдан ўз административлик бошқарувига эга.

1986 йили 9 апрельда эса Ўзбекистон ССР Олий Мажлиси Президиумининг махсус Қарори билан Халқободга посёлкасига туманга бўйсинувчи шаҳар статуси берилди.

1992-йилдан бошлаб шаҳарни бошқариш тизимида ўзгариш бўлиб, ҳокими лавозими татбиқ қилинди. Маҳаллий бошқарув уюшмаси томонидан Халқобод шаҳри 4 макон кенгаш кўмитасига бўлинади.

Ҳозирги вақтда Халқобод шаҳрида бирнеча саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва халқга маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари мавжуд.

Мустақиллик даврида Халқобод шаҳардаги энг йирик саноат корхонасида улкан ўзгаришлар бўлди, 1994 йилдан бошлаб Халқобод пахта тозалаш заводи жамоаси хусусийлаштиришнинг очик турдаги ҳиссадорлик шаклига ўтди. Ҳозирги вақтда бу пахта тозалаш заводи «Халқобод момиғи» очик турдаги ҳиссадорлик жамият деб аталади. 1997 йилнинг ноябрь ойида «Халқобод момиғи» ҳиссадорлик жамиятининг ишлаб чиқарган пахта толаси Испаниянинг пойтахти Мадрид шаҳрида бўли ўтган халқаро сифат бўйича кўргазмада биринчи ўринни эгаллаб, кўргазманинг олтин юлдузини олишга муваффақ бўлишди.

Халқобод шаҳрида бир неча қурилиш ташкилотлари мавжуддир. Бу ерда Кегайли тумани автомобиль йўллари бошқармаси жойлашган. Мазкур бошқарма Нукус-Чимбой асфальт йўлининг асосий қисмини, Халқобод айланма йўлини, Кегайли ва Бўзатов туманларининг асфальт йўллари, Халқобод шаҳрининг кўчаларини ва пиёдалар йўлакларини қуриш, таъмирлаш ва назорат қилиш ишлари билан шуғулланади.

Шаҳарда иккита кўчма механизациялашган колонна (ПМК) ва қурилиш монтаж бошқармаси (СМУ) ташкилотлари республикамизда кўпчилик қурилишларни қуриб битиришда қатнашган. Улар Қўнғирот сода заводининг қурилиши ва бошқада қурилишларда қатнашди

1993 йили Қорақалпоғистон Республикаси бўйича энг дастлабкилардан деҳқон бозорининг бири бўлиб Халқобод шаҳрида ёпиқ турдаги 90 ўринга мўлжалланган деҳқон бозори иморати қад ростлади.

1994 йили 116-автокорхона янги икки қаватли иморатига эга бўлди. Бу автокорхона очик турдаги «Халқобод» ҳиссадорлик жамияти бўлиб қайта тузилди.

1996 йили кенг ва кўркем қилиб Халқ банкининг иморати қурилиб фойдаланишга топширилди.

1998 йили август ойидан бошлаб ишга туширилган 500 нуқтали АТСда жаҳон андозаларига мос қурилиб асбоб ва ускуналар билан таъминланган.

Халқобод шаҳри аҳолиси тўлиғи билан водопровод суви ва табиий газ билан таъминланган.

Халқобод шаҳрида 3 ўрта мактаб бўлиб, уларда 2500 ортиқ ўқувчилар таълим ва тарбия олишади. 3 мактабда фаолият юритувчи ўқитувчилар сони 280 кишини ташкил этади. Собиқ Касб ҳунар техника училищеси СПТУ-15 ҳозирги вақтда миллий касб-ҳунар лицейи бўлиб ўзгарттирилиб, қайта таъмирланди.

1993 йили 3-августда Халқобод шаҳридаги Кумшунгул станциясига йўловчилар ташувчи поезд келди. Аввал Халқободдаги Кумшунгул станцияси фақат юкнигина қабул қиладиган бўлса, ҳозирги пайтда Қўнғирот-Чимбой поезди ҳар куни Халқобод орқали ўтиб йўловчиларга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда Халқобод шаҳрида Қорақалпоғистоннинг бошқа шаҳарлари каби бироз муаммолар тўпланган. Бу ижтимоий-иқтисодий муаммолар келажакда ўз ечимларини топади деган умиддамиз.

II-БОБ. АҲОЛИСИ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ

Халқобод шаҳрининг аҳолисини ва меҳнат ресурсларини ўрганганимизда биринчи навбатда унинг сони қизиқтиради.

Шаҳарнинг вужудга келиб шаҳарлик посёлка ва шаҳар номини олганлигига кўп вақт бўлган йўқ. Халқобод шаҳри юқорида таъкидлаганидек 1978-йили шаҳар посёлкаси, 1986-йили шаҳар номини олишга муваффақ бўлди. Умуман шаҳар Қорақалпоғистондаги энг ёш ва энг кичик шаҳар бўлиб ҳисобланади. Унинг халқининг ўсиш динамикасини қуйидаги 4-жадвалдан кўришимизга бўлади.

4-жадвалдан кўриниб турганидек Халқобод шаҳарлик аҳоли пункт бўлган давридан бошлаб ҳозирги давригача (1979-1998 йй) халқнинг сони 1,6 мартага кўпайган. Бироқ аҳолининг ўсиши жадвалдан бир текис эмас эканлиги кўриниб турибди. Шаҳар аҳолиси дастлабки 10 йил ичида (1979-1989 йй) ўртача ҳар йили 3% га яқин кўпайган бўлса, 1989-1992 йиллар оралиғида 3,2-4% га ошган, сўнгги даврда (1992-1998 йй) аҳолининг ўсиши шиддати бирдан пасайтириши кузатилди. Баъзи йиллари аҳоли сонининг кўпаймаганлигини кўрамиз (1997-йил), (4-жадвал).

Умуман аҳолининг кўрсатилган даврда ўртача ўсими йилига 2,4% ни ташкил этди.

Аҳолининг ўсишида унинг табиий ҳаракати:

Туғилиш, ўлим ва табиий ўсими кўрсаткичларидан иборат ва улар катта роль ўйнайди. Халқобод шаҳрининг аҳолисининг табиий кўпайиши туғрисидаги маълумотларни қуйидаги 5-жадвалдан кўришимиз мумкин.

4-жадвал

Халқобод шаҳри аҳолисининг ўсиш динамикаси (минг киши ҳисобида) *

Йиллар	Ҳар йилги ўртача % лик ўсиш	Сони	Ўсиш, %	Ҳар йилги ўртача ўсиш, минг киши
1979	-	7,0	-	-
1989	2,7	9,2	131,4	0,22
1990	3,2	9,5	135,9	0,3
1991	4,2	9,9	141,4	0,4
1992	4,0	10,3	147,1	0,4
1993	1,9	10,5	150,0	0,2
1994	2,9	10,8	154,3	0,3
1995	1,9	11,0	157,1	0,2
1996	0,9	11,1	158,6	0,1
1997	0	11,1	158,6	0
1998	1,8	11,3	161,4	0,2
1999	2,4	11,5	165,3	0,2
2000	0,6	11,6	166,0	0,05
2001	-	11,6	166,0	-0,005
2002	0,6	11,68	167,0	0,07
2003	-1,7	11,49	164,2	-0,19
2004	9,5	12,5	179,6	+1,08
2009	10,1	13,8	196,6	+0,25
2011	1,5	13,96	199,4	+0,1
1979-1998	2,4	-	161,4	0,23
1998-2011	1,6	-	123,5	0,19
1979-2011	2,0	-	199,6	0,21

*Жадвал Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва статистика маълумотлари асосида тузилди.

5-жадвал

Халқобод шаҳар аҳолисининг табиий ҳаракат ўсими (1000 кишига ҳисоблаганда)*

Йиллар	туғилиш	ўлиш	Табиий ўсим	1 ёшгача болалар ўлими (1000 туғилган болага ҳисоблаганда)
1992	31,8	7,8	24,0	51,0
1993	24,3	8,5	15,8	47,0
1994	22,5	8,1	14,4	45,3
1995	18,0	6,3	11,7	20,2
1996	18,6	6,1	12,5	19,6
1997	19,7	6,2	13,5	19,4
2000	15,6	5,9	9,7	20,4
2003	20,0	5,5	14,5	24,4
2004	19,3	6,5	12,8	17,0

*Жадвал Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Статистик маълумотлар тахлили шаҳарда кейинги даврда туғилиш ва табиий ўсим кўрсаткичларининг кескин пасайганлигини кўрсатади (5-жадвал).

Туғилиш кўрсаткичи 2004 йили 1992 йилга нисбатан 1,7 маротабага пасайганлигини, табиий ўсим 2 мартадан ортиқ пасайган.

Сўнгги йиллари ижобий ҳодисалардан бири, аҳолининг ўлимчилик кўрсаткичларининг бир қанча пасайиши, шунингдек бир ёшгача болаларнинг ўлимчиликлари ҳам айтарли даражада пасайди. 1993 йили аҳолининг ҳар минг кишига 8,5 кишидан тўғри келган бўлса, 1995-97 йиллари 6,1-6,3, 2004 йили 6,5 кишига тўғри келган. Демак, ўлимчилик кўрсаткиши пайсаганлигини кўриш мумкин.

6-жадвал

Халқобод шаҳри аҳолисининг механик ҳаракати

Йиллар	Келувчилар сони	Кетувчилар сони	Сальдо
1990	96	152	-56
1991	86	144	-58
1992	92	131	-39
1993	81	123	-42
1994	85	119	-34
1995	64	105	-41
1996	72	109	-37
1997	66	107	-41
2000	51	99	-48
2004	53	98	-45
2005			
2006			
2007			
2008			
2009			
2010			
2011			

***Жадвал Халқобод шаҳар ҳокимиятининг статистик маълумотлари асосида тузилган.**

Болалар ўлими 1993 йили 1 ёшгача 51 кишидан (1000 туғилган болага ҳисоблаганда), 1997 йили 19,4, 2004 йил 17 болагача пасайган. Бу нарса жуда қувончли ҳол, бироқ бизнинг фикримизча, бу кўрсаткичларда биров аниқлик етишмайди деб ўйлаймиз. Сабаби қисқа давр ичида бу кўрсаткичнинг 2 мартага пасайишига биров гумон туғдиради. Сўнгги йиллари кўпчилик ҳолатда тўғиш учун аёлларни Нукус шаҳридаги тўғриқхонага юбориш фактлари кузатилган. Болаларнинг ўлимчилигининг пасайишига ўша ҳолатлар таъсир этган бўлиши мумкин.

Аҳолининг ўсишида энг асосий бўлмаса ҳам миграция жараёни айтарлиқдай даражада таъсир этади. Шаҳар аҳолисининг механик ўсиши кейинги даврда доимий равишда салбий сальдога эга бўлиб келмоқда, бу айниқса энг катта кўрсаткичлар 1991-1992 йилларга тўғри келган (-56-58 киши). Шаҳар аҳолисининг механик ўсиш кўрсаткичларини 6-жадвалдан кўришимиз бўлади.

7-жадвал

Халқобод шаҳри аҳолисининг ёш ва жинс структураси (киши ҳисобида)*

	Жами		Эркаклар		Аёллар	
	Сони	%	Сони	%	Сони	%
01. 01. 1990 й и л						
0-15 ёш	4693	49,7	2302	49,3	2391	49,9
16-60 ёш	4176	44,1	2109	45,1	2067	43,2
60- ёшдан юқори ёшдагилар	593	6,2	261	5,6	332	6,9
ЖАМИ:	9462	100,0	4672	49,4	4790	50,6
01. 01. 2000 й и л						
0-15 ёш	4621	40,5	2523	43,6	2098	37,3
16-60 ёш	6349	55,7	2992	51,7	3357	60,0
60- ёшдан юқори ёшдагилар	441	3,8	271	6,7	170	2,7
ЖАМИ:	11411	100	5786	50,7	5625	49,3
01. 01. 2012 й и л						
0-15 ёш						
16-60 ёш						
60- ёшдан юқори ёшдагилар						
ЖАМИ:						

***Жадвал Халқобод шаҳар ҳокимиятининг статистик маълумотлари асосида тузилди.**

Аҳолининг ёш ва жинс структурасида кейинги йилларда бир канча ўзгаришга учради. Агар аҳолининг ёш таркибида босим кўпчиликни 0-15 ёш гуруҳи эгаллаган бўлса, 1998-йили аҳолининг кўпчилик бўлими 16-60 ёш оралиғидагиларга тўғри келади. Бу йиллар ичида 0-15 ёш оралиғидагилар фақат фоизлик миқдоригина эмас, балки абсолют маънода ҳам камайганлиги кўзга ташланади. Агар 1990-йили бу ёшдагиларга 4693 (49,7 %) кишига тўғри келса, 1998-йили 4450 (39,4 %) киши, 2000 йили 4621 (40,5 %) кишини ташкил қилган. Бунга асосий сабаб кейинги даврда туғилишнинг кескин камайганлигидир.

Аҳолининг жинсий таркибини тадқиқ этсак 1990-йили аёл-қизлар босимроқ бўлиб келган (50,6%) бўлса, 1998-йили эркакларнинг ҳиссаси (50,6) босимроқ. 0-15 ёш гуруҳидагиларга 1990 йилги маълумотлар бўйича эркаклар 49%, аёл-қизлар 51% ни

ташқил этган. Ушбу кўрсаткичлар 1998 йили эркакларга 50,9% и, аёлларга 49,1%, 2000 йили 50,5% ва 49,3 % га тўғри келган.

Буларнинг барчаси кейинги йиллари шаҳар аҳолиси ёш ва жинс структурасида анча даражада ўзгаришларнинг юз бериллиги, уларнинг айниқса 0-15 ва 16-60 ёш гуруҳдагиларда катта ўзгаришларнинг бўлганлигини кўрамыз.

8-жадвал

Меҳнат ёшдагиларнинг динамикаси (киши ҳисобида)*

Йиллар	Умумий сони	Эркаклар		Аёллар	
		Сони	Улуши %	Сони	Улуши %
1991	4694	2332	49,7	2362	50,3
1995	5392	2671	49,5	2721	50,5
2000	6349	2992	47,1	3357	52,9
2001	6296	3172	50,4	3124	49,6
2005					
2010					
2011					
2012					

*Жадвал Халқобод шаҳар ҳокимиятининг статистик маълумотлари асосида тузилди.

Ҳар бир минтақанинг шаҳар аҳолисини ўрганганимизда, унинг меҳнат ёшдагилар гуруҳи энг аҳамиятли бўлиб ҳисобланади. Сабаби халқ хўжалигининг кучи ҳам ўша гуруҳдагилар. Бизнинг элимизда бу гуруҳга 16-60 ёшдаги эркаклар ва 16-55 ёшдаги аёл-қизлар киради, бироқ кўп болали оналарга 50 ёшда пенсияга чиқиш имконияти берилган, бу давлатимизнинг кўп болали оналарга нисбатан ҳурмати бўлиб ҳисбланади.

Меҳнатга яроқли ёшдагиларнинг таркибини 8-жадвалдан кўришимиз мумкин.

Кейинги йиллари меҳнат ресурсларини ҳиссасининг ортиб борганлигини кўрамыз (8-жадвал). Умуман меҳнат ресурслари 1991-2001 йиллар ичида 123 % дан ортиқ ўсган бўлса, ушбу давр ичида аҳоли сони жами бўлиб 114 % ўсишга эришди холос. Бу кўрсаткичлардан аҳоли сонига караганда меҳнат ресурсларининг 1,5 баробар тез суръатлар билан ўсганлигини кўрамыз.

Аммо, шаҳар аҳолиси орасида жамиятлик ишлаб чиқариш билан банд кишиларнинг сонининг жуда пасайиб бориш тенденцияси кузатилади.

9-жадвал

Меҳнат ресурсларининг иш билан бандлиги (киши ҳисобида).*

Йиллар	жами меҳнат ресурслари	Иш билан бандлари	Иш билан бандларининг нисбати, %	Шундан				Аҳолиининг умумий гонига нисбатан иш билан бандлар, %
				Эркаклар		Аёллар		
1991	4694	4340	90,2	2174	50,1	2166	49,9	43,8
1995	5392	2942	54,6	1438	48,9	1504	51,1	26,7
2000	5977	3039	50,8	1338	44,0	1701	56,0	26,7
2001	5813	4012	69,1	1805	45,0	2207	55,0	35,2
2005								
2010								
2011								
2012								

***Жадвал Халқобод шаҳар ҳокимиятининг статистик маълумотлари асосида тузилди.**

Юқорида айтилган давр мобайнида, бу гуруҳдагиларнинг сони кўрсатилган давр ичида деярли 40 % га камайган. Бунинг асосий сабаблари туғилишнинг камайиши билан 0-15 ёш гуруҳдагиларнинг улушининг камайиш натижасида меҳнатга яроқлиларнинг улуши ортиши кузатилмоқда.

Кейинги даврда нафақа оловчи меҳнат ресурсларнинг улуши, шунингдек ишсизларнинг сонининг ортиши билан иш билан банд аҳоли сонининг камайиши жараёни ва янада якка меҳнат қилувчилар, ишбилармонларнинг кўпайиши ва бошқа ҳодисаларнинг натижасида халқ хўжалиги тармоқларида фаолият юритувчиларнинг сонининг айтарли даражада қисқариши юз берди.

10-жадвал

Нафақа оловчилар ва якка меҳнат билан шуғулланадиганлар, ишбилармонлар, ишсизларнинг сони динамикаси (киши ҳисобида)*

Йиллар	Жами		Эркаклар		Аёллар	
	Сони	%	Сони	%	Сони	%
1991	354	7,5	158	44,7	196	55,3
1995	2450	45,5	1233	50,3	1217	49,7
2000						
2005						
2010						
2011						
2012						

***Жадвал Халқобод шаҳар ҳокимиятининг статистик маълумотлари асосида тузилди.**

10-жадвалдан кўриниб турганидек эркалар орасида ишсизликнинг кўп тарқалиши кейинги йиллари салбий ҳодисанинг бири бўлиб ҳисобланади.

2004 йил январига шаҳарда ҳаммаси 2156 оила бўлиб, ўртача ҳар бир оилага 5,8 одамдан тўғри келади. Мазкур кўрсаткич бўйича Халқобод шаҳри ўртача республика кўрсаткичдан (6,5 одам) анча паст бўлиб келади ва у ҳар йил сари камайиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби туғилишнинг камайичига боғлиқ ойлада болаларнинг кам бўлишидир.

Шаҳар аҳолиси тўртта маҳалла кенгашларига ажратилган бўлиб, ҳар бир маҳалла кенгашида ўртача 15–17 кўча қавмлари бор. Бу кўча қавмлари тўй – маърака, базм ва бошқа оилавий маросимларни биргаликда амалга ошириш мақсадида кўча бийлари атрофида тўпланган. Кўча қавмларда хўжаликлар сони ҳар хил: Доимий ва янги келган кўшничилигига кўра 18 дан 70 ҳовлигача ҳам етади. Ҳар ҳовлидан ўртача 1,5–2, ҳатто баъзи ҳовлиларда 3 та хўжалик жойлашган бўлиб, одамлар сони ўртача 8 тадан тўғри келади.

11-жадвал

Халқобод шаҳридаги аҳолининг маҳалла кенгашлари бўйича жойлашиши (01.01.2004 йил)

Маҳалла кенгашлари рақамлари ҳалқи	№1	№2	№3	№4
Хўжалик сони	3842	2440	3139	3155
Кўчалар сони	581	510	573	492
Кўча қавмлар сони	21	16	17	14
Кўча қавмлар сони	15	15	14	10

Халқобод шаҳрининг асосий халқи қорақалпоқлар, қозоқлар ва ўзбеклардан иборат (99,8 %). Шунингдек бундан бошқа 10 га яқин миллат вакиллари ҳам истқомат қилади (руслар, татарлар, башқуртлар, туркманлар ва бош.). Уларнинг абсолют сони ва аҳолида тутган урни катта эмас (12-жадвал).

12-жадвал

Халқобод шаҳри аҳолисининг миллий таркиби (1.01.2004 й.)

Миллат номи	Сони, киши	Умумийга нисбатан салмоғи, %
Умумий сони, жумладан	12576	100
қорақалпоқлар	11446	91,0
қозоқлар	822	6,5
Ўзбеклар	294	2,3
Бошқа миллат вакиллари	14	0,2

Шаҳар халқининг меҳнат ресурсларида ишчи кучларнинг ҳаддан ташқари ортиқлиги сезилади.

Ислоҳот даврида ишга яроқли одамларнинг фақатгина 5% ўзларини шахсий бизнесларини очиб улгуришган. Шаҳардаги 4000 га яқин ўқувчи таълим оладиган 1 колледж ва 3 та ўрта мактабда 465 киши, юз койкалик касалхонада 185 одам ва бошқа давлат бошқариш тармоқларида 120 одам ишламоқда. Янгидан 22 ўринда хусусий дўконлар, 2 дорихона, 15 деҳқон хўжаликлари очилиб, унда 76 киши иш билан банд. Шунингдек шаҳар автомобил йўл қурилиш бошқармаси, подстанция, деҳқон бозор, шаҳар маданият уйи, мусулмонлар масжиди, АТС ва алоқа бўлими, омонат банки ва бошқа ташкилотларда 150 дан ортиқ маҳаллий аҳоли иш билан банд бўлмоқда.

Халқобод шаҳар ҳокимиятининг 2001 йил маълумоти бўйича нафақа олувчиларнинг умумий сони 830, шундан 25 си иш ишлайди.

Ишсизларнинг умумий сони 1442 одам, шундан 110 одам рўйхатда туради. Бу гуруҳга ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари (163 одам), лицей ўқувчиларида (525 одам) киритилган. Бундан яширин ишсизлар сони 550-600 одамни ташкил этиши кўриниб турибди, бу меҳнат ресурсларининг 9-10 % ни ташкил этади.

Шаҳарнинг ер майдони 7,25 км² тенг. Аҳолининг зичлиги 2004 йил 1 январига 1 км²га 1735 кишидан тўғри келади.

Юқорида кўрсатилган маълумотлар барчаси тўлиқ бўлмаса ҳам, шаҳар аҳолиси бўйича берилган маълумотларнинг анализи, бу йўналишда жуда кўп муаммоларнинг тўпланиб қолганлиги ва уларни ечиш учун бир қанча мажмуавий тадбирлар ўтказиш керак эканлиги кўриниб турибди. Шунингдек ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бу муаммоларни ечиш осон эмаслиги ҳам ҳаммага маълум.

Кейинги йиллари бир қувончли ҳол, халқнинг ўлимчилик ва бир ёшгача болалар ўлимининг пасайиши бўлиб ҳисобланади. Бу йўналишдаги самарали ишларни яна ҳам ривожлантиришимиз зарур.

III БОБ. ХАЛҚОБОД ШАҲРИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА ТАВСИФ

§3.1. Шаҳарнинг иқтисодий-сиёсий функциялари

Ҳар бир шаҳарнинг давлат ва туман ичидаги тутган ўрни ва аҳамияти бўйича маълум бир салмоғи бўлади.

Буларга жойлашган ўрнининг қулайлиги, халқ хўжалигидаги роли, маъмурий, сиёсий, транспортлик, дам олиш маркази ва ҳакозолар.

Халқобод шаҳри туманга бўйсунувчи кичкина шаҳар бўлиб, у Кегайли туманининг иқтисодий, транспортлик, маъмурий маркази сифатида маълумдир.

Унинг халқ хўжалигидаги ўрни пахта тозалаш заводи, автокорхона, қурилиш корхоналари билан сифатланади.

Маъмурий томондан бу ерда Халқобод қишлоқ хўжалик ассоциацияси, шунингдек Қизил уй оқсоқоллар Кенгашида шу ерда жойлашган. Унинг маъмурий марказ сифатида шаклланиши Халқобод совхозининг тузилиши билан бошланади.

Халқобод шаҳри шунинг билан бирга транспорт тугуни бўлиб ҳам ҳисобланади. У Нукус-Тахтақўпир, Нукус-Кегейли, Нукус-Қораўзак автомобиль йўллари, шунингдек Нукус-Чимбой темир йўлининг Қумшунгил станцияси Халқобод шаҳри ёнида жойлашган (2 км шарқда).

Шаҳар атрофидаги Кегайли тумани ҳудуди учун савдо-сотиқ ишларини битирувчи аҳоли пункт бўлиб, у Халқобод, Б.Каримбердиев, Дарвазақум ва Қуёанышжарма фермер деҳқон бирлашмалари аҳолисига хизмат қилади. Сабаби Халқобод деҳқон бозори юқоридаги хўжаликлардаги деҳқонларнинг маҳсулотларини сотиш ва ўзларига керакли нарсаларини сотиб олиш учун энг яқин ва шу атрофдаги бирдан-бир бозор бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек Халқобод шаҳри юқорида кўрсатилган хўжаликлар учун маданий-сиёсий марказ бўлиб ҳисобланиб, бу масалада унинг аҳамияти туман маркази Кегайли посёлкасидан кам эмас.

§3.2. Шаҳарнинг ижтимоий ривожланиш муаммолари

Халқобод шаҳрида халқ хўжалигининг бир неча тармоқлари ривожланган. Улардан аҳамиятли бўлган тармоқларни пасдаги маълумотдан кўрсак бўлади.

1. Саноат
2. Транспорт ва қурилиш
3. Алоқа

4. Савдо
5. Таълим ва маданият
6. Соғлиқни сақлаш ва бошқа тармоқлар

Саноати

Халқобод шаҳрининг саноатини сўз қилганимизда унинг бирдан-бир саноатлик корхонаси бўлган Халқобод пахта тозалаш заводи бўлиб ҳисобланади.

Халқобод пахта тозалаш заводи 1938-йили пахта йиғиш пункти бўлиб очилган, кейинчалик бу ерда пахта тозалаш цехи очилган, 1964 йилга келиб шу цехнинг асосида пахта тозалаш заводи солинган. Дастлабки вақтда сменалар сони иккита бўлган бўлса, ҳозирга келиб тўртга етган.

Халқобод пахта тозалаш заводи 1994-йили “Халқобод момиғи” ҳиссадорлик жамияти бўлиб тузилди. У “Қорақалпоқпахтасаноатсотиш” ҳиссадорлик жамияти таркибига кириб унғ соҳил шимолий туманлар учун ягона пахта тозалаш корхонасидир.

“Халқобод момиғи” ҳиссадорлик жамиятида 560 одам фаолият юритади. Бу жамиятга Кегайли, К. Абибуллаев, Б. Каримбердиев, Тахтакўпир, ҳиссадорлик жамият қошидаги пахта тайёрлаш пунктлари қарайди, яъни у Кегайли, Бўзатов, Тахтакўпир туманларининг пахталарини тўлиғи билан баъзи йиллари Қораўзак туманларининг пахталарини қайта ишлайди.

13-жадвал

“Халқобод момиғи” ҳиссадорлик жамиятининг кўрсаткичлари (тонна ҳисобида)*

Йиллар	Хом пахта	Тола	Чиқим %	Чигит
1992	26421	8967	34,0	14134
1995	33182 ^{**}	11484	36,8	19176
2010	27000	8990	33	15670
2011	32000	10560	33	18340

* “Халқобод момиғи” ҳиссадорлик жамиятининг статистик маълумотлари асосида тузилди.

Пахта тозалаш заводи 1974 йил ва 1985 йиллари янги ускуналар билан реконструкцияланди. 1984-йили заводга темир йўл линисининг тармоғи тортилиб, Чимбой-Нукус темир йўлига туташтирилган.

Пахта тозалаш заводи асосан уч цехдан:

Қуришиб тозалаш;

Пахтани чигитидан айириш (джин)

Пресслаш цехи

Пахта тозалаш 1980-йиллари ҳар йили 35-40 минг тонна пахтани тозалайдиган бўлса, ҳозирги вақтда бу кўрсаткич 25-33 минг атрофида бўлмоқда (13-жадвал). Бунинг асосий сабаби кейинги 5-6 йилнинг ичида пахтанинг ҳосилдорлигининг пасайиши ва пахта экин майдонларининг қисқаришига боғлиқдир.

Пахта момиғи асосан чет элларга юборилади (85% атрофида): Америка Қўшма Штатлари, Жанубий Корея, Швейцария, Италия, ГФР ва ҳақозо мамлакатлар. 1996-йили чет элларга 10034 т. МДХ давлатларида 1110 т. пахта момиғи юборилса, 1997-йили чет давлатларга 5730 т., МДХ да мамлакатларига 611 т. юборилди. Экспорт қилинган пахта толаси нархи 2009 йили 10123,6 минг АҚШ долларини, 2010 йили 9319,9 минг АҚШ долларини, 2011 йили 16998,3 минг АҚШ долларни ташкил қилган.

Пахта момиғининг жаҳондаги ривожланган давлатларига экспорт қилиниши, унинг сифатининг яхши эканлигини билдиради. Буни 1997 йил 18-ноябрда мадрид шаҳрида ўтказилган халқ “Олтин глобус” сифат бўйича кўргазмасида “Халқобод момиғи” ҳиссадорлик жамияти “Сифати учун” олтин медалини олишга муваффақ бўлди.

Пахтадан олинган чигит Чимбой шаҳридаги “Чимбой ёғ” ҳиссадорлик жамиятига юборилади, шунингдек экиш учун чигит захираси тайёрланади. 1997-йилдан бошлаб туксизлантирилган чигит тайёрлаш цехи очилди. Бу цехда 1997 йили 230 т туксизлантирилган чигит тайёрланиб, улар қуйидаги туманларга юборилди: Кегайли 54 т, Хўжайли 146 т, Чимбой 53 т, Элликқалъа 132 т, Тўрткул 32 т, Қўнғирот 19 т, Шуманай 19 т, Тахтақўпир 10 т.

Соатиға 40 одам қабул қиладиган кооператив ҳаммоми мавжуд. Завод замонавий компьютер, ксерокслар билан таъминланган.

Ҳозирги вақтга келиб завод бир қанча қийинчиликларга дуч келмоқда. Булардан энг бошлиси маҳсулот етишмаганлигидан, завод тўлиқ қувватлиликда ишлай олмайди. Бу нарса заводнинг муваффақиятига салбий таъсир қилмоқда. Шунинг натижасида ишчиларнинг сони, маошининг миқдори қисқармоқда, мажбурий тўхтаб қолишлар юз бермоқда. Завод шунингдек қайта реконструкция қилишга муҳтож.

Шаҳарда бу корхонадан бошқа йирик саноат корхонаси мавжуд эмас.

Транспорт ва қурилиш

1964-йили шаҳарда 116-сонли автокорхона очилиб дастлаб 40 автомашина бўлган ва 80 одам иш ишлаган. Ҳозирги вақтда 86 автомашина бор, 152 одам иш ишлайди.

Ҳозирги вақтда автокорхона “Қорақалпоқтранс” ҳиссадорлик жамиятига қарашли “Халқобод” ҳиссадорлик жамияти деб аталади.

14-жадвал

“Халқобод” ҳиссадорлик жамиятида юк ташишнинг миқдори *

Йиллар	Ташилган юк
1991	1 506 043 тонна
1995	800 012 тонна
1996	800 028 тонна
1997	824 100 тонна

***“Халқобод” ҳиссадорлик жамиятининг статистик маълумотлари асосида тузилди.**

1997 йили юк ташишдан топган муваффақияти 31 145 минг сум, шундан 3 156 минг сум соф фойда олиб, акциядорларга 740 300 сум миқдорида дивидент берилган. Ташилган юкларнинг динамикасини №13-жадвалдан кўришимизга бўлади.

Жадвалдан юк ташишдан кейинги даврда 45-50% га пасайганлигини кўрамиз. Корхона учун асосий муаммолар ёнилғи ва ортиқча қисмларнинг қиммат бўлиши, кейинги йиллари иқтисодий қиқинчиликлар сабали тоза автомобилларнинг олинмаганлиги ўзининг таъсирини теккизмокда.

Автомашиналарнинг бир бўлими автобуслар бўлиб улар шаҳарлараро маршрутларда юради.

Шаҳарнинг шарқидан темир йўлнинг ўтиши ҳам шаҳар учун катта аҳамиятга эга. Темир йўл орқали ҳам йўловчи ва халқ хўжалик юклари ташилади (асосан пахта ва қурилиш материаллари).

Шаҳарда қурилиш корхоналари бир неча: механизациялашган қурилиш бошқармаси (СМУ “Кегайли”). Механизациялашган кўчмали колонна - 314 (НМК-314). Хўжаликлараро кўчмали механизациялашган колонна - 321 (МСПМК-321). Кегайли туман автомобиль йўллар бошқармаси (ДРСУ).

СМУ ташкилоти 1964 йили “Ўзсувқурилиш” томонидан очилган. Кегайли тумани экин майдонларини реконструкциялаш билан, шунингдек бошқа қурилиш объектларини солишда қатнашади.

Корхонада 153 одам ишлайди. Бир устахонаси мавжуд. Техникалардан: 9 экскаватор, 2 экскаватор кран, 8 бульдозер, 12 скрепер, 8 трактор, 4 автомашинадан иборат.

СМУ ташкилоти Чимбойдаги “Аралбўйисувқурилиш” трестига қарашли.

СМУ жамоаси тоза ерларни ўзлаштиришга, Туямўйин-Нукус-Халқобод-Чимбой водоводини, Кегайли, Қуўаничжарма ва яна бошқа каналларда гидроқурилишларини, шунингдек ҳар хил қурилиш объектларини солишга қатнашган.

СМУ хўжалик ҳисобидаги кесиб олувчи ташкилот бўлиб ҳисобланади. Корхона (1991-йилги баҳо билан) 1991-йили 3,250 млн.сум, 1996-йили 1,705 млн. сум, 1997-йили 1,400 млн сумлик ерларни реконструкциялаш ишларини ишлаган. Бундан бошқа шартнома асосида 1996-йили 27,444 млн сумлик, 1997-йили 38,823 млн сумлик қурилиш ишларини ишлаган.

ПМК-314 1975-йили №2 “Қарақалпақроқурылыс” трести томонидан очилган. Хўжалик ҳисобидаги ташкилот бўлиб, 95 одам иш ишлайди.

Жамиятлик ва турар жойлар солиш билан шугулланади. 1996-йили 12, 840 млн сумлик, 1997-йили 13, 600 млн қурилиш ишларини ишлаб бекрган.

ПМК-321 “Ўзагроқурилиш” трестига қарайди. Пардозлаш ишларини олиб боради. Қорақалпоғистоннинг деярли барча туманларида ишлади. 1996-йили 18, 792 млн сумлик, 1997-йили 21, 896 млн сумлик ишларини ишлаган. Ҳозирги вақтда ушбу қурилиш ташкилотларининг биронтаси ҳам фаолият кўрсатмайди. Бу ҳолат ушбу корхоналарда ишлайдиган ходимларнинг ишсиз қолишига олиб келди. Одамларни иш билан таъминлашда шаҳар маъмурияти деярли ижобий иш олиб бормаяпти.

ДРСУ 1975-йили йўл қурилиши участкаси бўлиб очилган. Корхонада 117 киши фаолият юритади.

Кегайли тумани ҳудудидаги 204 км лик асфальт йўлларни таъмирлайди. Энг асосий йўллари: Нукус-Халқобод-Кегайли, Халқобод-Каримбердиев, Халқобод-Дарузақум, Халқобод-Қууаничжарма ва бошқалар.

Шағал тошларни асосан темир йўл орқали Қумшунгил станциясидан олади. Шу станцияда асфальт заводи ҳам мавжуд. Корхонада 10 автомашина, 6 трактор, 3 йўл текисловчи грейдер бор.

1996-йили 16,320 млн сумлик, 1997-йили 18,720 млн сумлик, 2003 йили 143,913 млн сум, 2004 йили 98,417 млн сум йўл қурилиш ишлари бажарилган.

Халқобод шаҳрида мустақилликка эришганимиздан кейин кўпгина янги иморатлар солинди. Улардан: Халқобод спорт комплекси, 90 ўринга мўлжалланган ёпиқ деҳқон бозори, Халқобод шаҳридаги Халқ банки шахобчасининг иморати, №116 автокорхонанинг 2 қаватли идораси, 1 мактаб (№17 ўрта мактаб 3 қаватли), Ўт ўчирувчилар командаси жойи, Агросаноат колледжи, бир неча унта савдо дуконлари ва бошқа қурилишлар солинди.

Алоқа

Халқобод шаҳар почта-алоқа уйи 1932-йилдан бошлаб ишлаб келмоқда. Ҳозирги иморатга 1958 йили кўчиб ўтган. 10 одам фаолият олиб боради. Асосан газета-журналлар тарқатиш ва пенсионерларга нафақа пул тарқатиш билан шуғулланади. 1997 йили 81 минг дона газета ва журналлар тарқатган ва 1864 нафақа олувчиларга нафақа пулини бериш билан шуғулланиб, 48 млн сумлик ишни ишлаган.

Савдо

Халқобод шаҳрида бир неча унта савдо дуконлар, новвойхона ишлайди. 1957-йили солинган новвойхона кичирайтирилиб цех этиб қайта қурилди. Суткасига 1 тонна нон маҳсулотларини чиқаради. Уларнинг товар айланиши 5400,9 минг сум бўлди, соф даромад 1010,7 минг сум бўлди. Уларда 89 одам ишлайди.

Булардан бошқа хусусий савдо ишловчи патентчилар 108 одамни ташкил этади. 7 уринда гўшт дўкони жойлашган, ойига патентчиларнинг –39 си, 1,5 минг сум, 52 – си 750 сум, 18 – си 300 сум тўлайди. “Халқобод деҳқон бозори” 150 ўринга мўлжалланган бўлса, шундан 90 ўринлиги ёпиқ бозорга тўғри келади. Энг кўп савдо якшанба кунига тўғри келади.

1997-йили деҳқон бозорида савдо ишловчи 736 минг сумлик тўлам йиғиб мамлакатга топширилган. “Халқобод деҳқон бозори” 1996-йилдан бошлаб акционерлик жамиятга айлантирилган.

Халқобод истеъмолчилар участкаси Кегайли туманистеъмолчилар акционерлик уюшмасига қарашли.

Кейинги йиллари янги кўркам дўконлар ва савдо нуқталари кўпаймоқда, шундай бўлса ҳам бу йўналишда ишланадиган ишлар жуда кўп. Хусусий савдо ишловчиларни тартиблаштириш. Савдо маданиятини кўтариш, халқнинг керакли молларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун кўпгина ишлар амалга оширилиши лозим.

Таълим ва маданият

Халқобод шаҳри азалдан маълум таълим маркази бўлган ҳудуд. Унинг номини чиқаришда Ичан қаладаги Қумўзак эшонларининг мадрасаси XIX асрнинг охири XX аср бошида жуда маълум марказ бўлган.

Шаҳарда совет тузуми даврида янгича савод таълим берувчи мактаблар пайдо бўлди. Биринчи замонавий мактаб жойи 1939-йили солинган. Ҳозирги даврга келиб шаҳарда 3 ўрта мактаб, 1 қишлоқ хўжалик лицейи мавжуд.

1975-йили 6 йлик тракторист-машинистлар тайёрлаш курси касб-техникалик училищеси очилди. Дастлаб трактор-машинистларини, 1978-йилдан бошлаб тикувчи, қурувчи мутахассисларини тайёрлай бошлади. 1984-йили СПТУ-15 бўлиб ўзгарди. 1994-йилда эса “Миллий ҳунармандчилик лицейи”, 1996-йили Халқобод касблик лицейига айлантирилди. Лицей кейинчалик Саноат-транспорт коллежига айлантирилди. Коллеж ўқув корпусига, ошхона, 2 спорт залига, 450 ўринлик ётоқхонага эга. Ўқитувчилар учун 32 хонали уй қурилган. Коллежда ўқитувчилар ва техниклар сони 150 одамни ташкил этади.

Умуман коллежда 525 ўқувчи ўқийди, шунинг ичида 150 ўқувчи 1 йиллик курсларда ўқиб таълим олади.

Лицей уйидагича мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлайди:

Арендатор – (мол чорвачилиги ва деҳқон хўжалиги)	– 107 ўқувчи
Миллий либос тикувчилар	– 44 ўқувчи
Кийим тикувчилар	– 55 ўқувчи
Сотувчилар	– 30 ўқувчи
Қишлоқ хўжалик ҳисобчилари	– 120 ўқувчи
Расом-дизайнер	– 21 ўқувчи
Қурувчи	– 60 ўқувчи
Котиба-машинистка	– 30 ўқувчи
Ошпаз	– 30 ўқувчи

15-жадвал

Шаҳар коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш сони

Йиллар	Сони
1991	420
1995	350
2000	370
2005	390
2010	
2011	
2012	

Лицей 29 ўқув хонасига, 7 цехга ва 1 лабораторияга эга.

Ўқишга бола қабул қилиш қуйидаги №14 жадвалдаги маълумотда берилган.

16-жадвал

Халқобод шаҳри мактабларининг сонлик кўрсаткичлари (ўқувчилар ҳисобида) *

Мактаблар	№2 мактаб	№8 мактаб	№17 мактаб	ЖАМИ
Синфлар				
1 – синф	74	65	120	259
2 – синф	83	66	120	269
3 – синф	84	80	95	259
4 – синф	86	73	133	292
1-4 синфлар	327	284	468	1079
5 – синф	86	76	153	315
6 – синф	96	74	130	290
8 – синф	100	87	151	338
9 – синф	73	82	111	265
5 – 9 синфлар	345	319	545	1209
10 – синф	55	52	83	190
11 – синф	41	42	70	153
10-11 синфлар	92	94	153	343
ЖАМИ	768	697	1166	2629

***Жадвал Халқобод шаҳридаги ўрта мактабларнинг маълумотлари асосида тузилди.**

Халқобод шаҳридаги ўрта мактабларида 280 ўқитувчи фаолият олиб боради. Шулардан 250 си олий маълумотли.

№2 ўрта мактаб 434 ўринга мўлжалланган. 25 синф жойи бўлиб, 34 синф ўқийди. 125 ўқитувчи иш олиб боради.

№8 ўрта мактаб 400 ўринга мўлжалланган 20 синф жойи бўлиб, 37 синф ўқийди.

№17 ўрта мактаб 32 синф жойига эга, 47 синф ўқийди. 834 ўринга мўлжалланган.

№8 ўрта мактабда 127 ўқитувчи, шундан №17 ўрта мактабда 132 ўқитувчи фаолият юритади.

Мактаблар спорт зал, ошхона, кабинетлар, лингафон кабинети, компьютерлар билан таъминлаган. Бироқ спорт инвентарлари, замонавий хусусий компьютерлар йўқ.

1997-йили мактаб битирувчилардан 43 киши олий, шундан: 28 си №17, 25 си №2, 31 си №8 ўрта мактаблардан ўқишга кирган.

1977-йилдан бошлаб Ўқув комбинати очилган бўлиб, 5 ўқитувчи ва усталар ишлайди. 1663 ўқувчи ўқийди. Автослесар, тракторист, тикувчи. Ҳамшира, электрик, ёғоч устаси, иш юритувчи ва ошпаз мутахассисликларини ўқитади.

Халқобод шаҳрида №2 маданият уйи фаолият олиб боради ва унда 11 тўғарак бўлиб, унга 105 ўқувчи қатнашади. 2 кутубхона бўлиб, биттаси болалар кутубхонаси.

Болалар кутубхонасининг китоб фонди 21 344 дона, №17 кутубхонанинг китоб фонди 22 439 дона китобдан иборат.

Ҳаммаси бўлиб шаҳарда 7 болалар боғчаси бўлиб, уларда 500 га яқин болалар тарбияланади.

Асосий муаммолар замонавий кенг ва махсус иморатлар етишмайди.

Ёшлар орасида тўрт эстрадалик гуруҳ иш олиб бормоқда. Икки ўринда кинотеатр мавжуд бўлиб, биттаси ёзги, биттаси қишки. Барча маданий ташкилотлар янгиланиши, таъмирлашга ва инвентарларга муҳтож.

Соғлиқни сақлаш ва бошқа аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари

Халқобод шаҳрида дастлабки медпункт 1920-йили очилган. 1942 йилга келиб, туман шифохонаси очилган.

1956-йили ҳозирги амбулатория иморати солинган. Дастлабки шифохона 25 койка бўлган бўлса 1964-йили 70 койка, 1970-йили 100 койка, 1973-йили 120 койка, 1997-йили 70 койка бўлган. 17 врач ва 64 ҳамшира меҳнат қилишади. 1971-йили болалар амбулаторияси, 1978-йили туғиш уйи, 1988-йили терапия бўлимлари фойдаланишга мўлжалланган.

Болалар бўлими 15 ўринга, туғиш уйи 20 ўринга, терапия 35 ўринга мўлжалланган.

Соғлиқни сақлаш муаммолари жуда кўп тўпланиб қолган. Иморатлар етишмайди. Бошқа тармоқларда очилганда яхши бўларди. Шифокорларнинг сон жуда кам эканлиги сабабли уларнинг имконияти шаҳар ва унинг атрофи туманига кутиб етмай қолади.

1990-1993 йиллари 8 корпусли. 2 қаватли марказлашган шифохона иморати солина бошлаган эди, кейин тяхтаб қолди.

Шаҳарга электр тармоғи 1961-йили келган. шаҳарлик электр тармоғи участкаси 1964-йили очилди. Шаҳар ичкарасидаги электр тармоқларининг умумий узунлиги 31 км бўлиб, унинг 6 км юқори қувватли, 25 км паст қувватли. Бу участка “Қарақалпақ электр тармақлари” бирлашмасига киради.

Шаҳарга 1969-йилдан бошлаб газ баллонларда табиий газ кела бошлади. 1986-йилдан бошлаб табиий газ тармоғи тортила бошлади. Ҳозирги вақтда шаҳарнинг

деярли барчаси газлаштирилган. Халқобод газ участкасида 29 одам иш олиб боради. Шаҳар ичида 46 ўринда газ айирбошлаш пункти (ГРП) мавжуд. Юқори босимли газ тармоқлари 30 км ни ташкил этади.

Халқобод шаҳри бўйича хоналарнинг майдони 173 502 м² ташкил этади. Йилига ўртача 38-40 млн³ табиий газ талаб килинади. Турар жойларнинг бошқа шаҳарнинг 40 ташкилотини табиий газ билан таъминлайди.

Тез ёрдам участкаси ҳам мавжуддир. Участка кундуз 12 минг, тунда эса 22 минг одамга хизмат қилади. Унда 2 автомашина, 4 фельдшер, 3 ҳамшира бор.

3 ўринда дорихоналар мавжуд бўлиб ҳаммаси хусусий мулкка айлантирилган.

Халққа хизмат кўрсатиш соҳаларининг водопровод, электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш, шунингдек халққа хизмат кўрсатиш ва бошқалар киради.

Водоканал шаҳарга суткасига 8 минг куб метр сув бериши керак. 48 ўринда жамоатлик кранлар қурилган. Шаҳарнинг 70% кранлар билан таъминланган. Бирок шаҳарда ичимлик суви муаммоси биров кескин, сув кранлардан маълум бир соатларда берилади. Сув кранларининг ҳар бир уйга қуриш имкониятини кўриб чиқиш даркор. Сабаби факатгина ичимлик максидида эмас, балки гигиеник ва бошқа максадларда ҳам фойдаланилади. водопровод орқали келадиган сув шаҳар халқи учун энг сифатли сув дарағи бўлиб ҳисобланади.

Шаҳарлик халққа турмуш томонидан хизмат кўрсатиш комбинати 1974-йили очилди. Ҳозирги вақтдабу ташкилотда 32 одам иш фаолиятини юритади.

Тикувчилик цехи, фотография, сартарошхона бўлимлари мавжуддир. Тикувчилик цехида 16 тикув машинаси ишлаб турибди. Корхона хўжалик ҳисобида ишлайди. Халққа 1995-йили 80 минг сумлик, 1996-йили 100 минг сумлик, 1997-йили 160 минг сумлик тўламли хизмат кўрсатилган.

Бу рақамлардан халқнинг ҳар жон бошига тўламли хизматини кўлами жуда паст эканлиги кўриниб турибди. 1997-йили жон бошига ҳаммаси бўлиб 14,5 сумликгина тўламли хизмат кўрсатилган бўлиб бу кўрсаткич бўйича республикалик ўртача кўрсаткичдан жуда паст.

Телеграф телефон хизмати бўйича шаҳарда 500 нуқтали АТС қурилган. Ҳозирги вақтда 500 нуқтали тоза АТС Япониянинг технологияси асосида қурилмоқда. Келажакда уни яна ҳам 100 нуқтага кўпайтириш режалаштирилган.

§3.3. Шаҳар микро географияси ва ўзига хослиги

Халқобод шаҳри кичик шаҳар бўлишига кармасдан ички ўзгачаликларга эга бўлиб келади. Биз шаҳарни кичик бўлимларга бўлганимизда транспортлик, саноатлик, сув билан таъминланиши бўйича бўлдик. Шу нуқтаи-назардан шаҳарни: марказий, ғарбий, шарқий ва шимолий бўлимларга бўлдик.

Халқободнинг марказий бўлими транспортлик томондан яхши таъминланган, саноат ва бошқа корхоналарнинг дерли барчаси шу туманда жойлашган. Шунингдек шу бўлимда маданий ва таълим идоралари ҳам жойлашган.

Шаҳарнинг ғарбий бўлими транспортлик томондан айтарли даражада яхши таъминланган, бу бўлимини территорияси сув билан паст таъминланган. Шаҳарнинг шу бўлимини сув билан таъминловчи Естек жап бу муаммони ечишда еткиликсиз бўлиб колди. Шу сабабдан халқнинг уй атрофи ва кўчаларнинг бўйи сувлантиришга салбий таъсирини теккизмокда.

Шарқий бўлимининг ва ғарбий бўлимидаги ҳудудларида саноат ёки бошқа корхоналар йўқ. Ғарбий бўлим жанубда ва ғарбда Халқобод қишлоқ хўжалик ассоциацияси билан коллектор оркали чегаралашади. Шимолда Кегайли-Халқобод, шарқда эса Чимбой-Нукус автомобиль йўлининг бўйида жойлашган марказий бўлим билан чегаралашади.

Шарқий бўлим ғарбда марказий бўлим, шарқда Тентек жап канали, шимолда Халқобод–Б.Каримбердиев автомобиль йўли, жанубда Халқобод қишлоқ хўжалик ассоциация билан чегаралашади.

Шарқий бўлимнинг шарқда Қумшунгил темир йўл станцияси жойлашган. Халқобод шаҳри бу станция билан асфальт йўл оркали боғланишади. Сув билан яхши таъминланган.

Шимолий бўлим жанубда Халқобод Кегайли автомобиль йўли орқали, ғарб бўлими билан Халқобод–Б.Каримбердиев автомобиль йўли орқали Шарқий бўлим билан чегаралашади. Шаҳарнинг бу бўлимида Халқобод касблик лицейи ва курилиш корхоналари (СМУ, ПМК-314, МСПМК-321). №116 автокорхона жойлашган. Шаҳарнинг бу бўлими транспорт йўллари билан яхши таъминланган. Бироқ бу бўлим шаҳарнинг марказига узоқда жойлашганлиги сабабли халқнинг марказий бўлимига, унинг маданий марказига бошқа туманларга нисбатан узоқда жойлашган. Шаҳар Нукус-Чимбой автомобиль йўли бўйида 3,8 км га чўзилиб жойлашганлиги сабаби шаҳарнинг бошқа туманларидан, бу тумандаги корхоналарга ишга қатнаши ҳам бироз қийинчиликлар туғдиради.

Шунингдек шаҳарнинг жануби-шарқ бўлимини алоҳида район этиб олиш мумкин. Халқобод ДФХ си, шарқда Тентек жап арнасы, шимолда Халқабод-Ийшанқаъла шаҳар автомобил йўли, батысында Нукус-Чимбой автомобил йўли билан чегаралашади. Бу қисм янгидан пайда бўлган. Шаҳарнинг бу қисмининг барпо бўлганига 20-25 йил бўлди. Районда Халқобод шаҳар касалхонаси, 2-сонли мактаб жайласқан. Шаҳарнинг бу қисми сув билан яхши таъминланган.

§3.1. Шаҳарнинг келажакда ривожланиш истиқболлари

Ҳар бир шаҳарнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида, унинг атрофидаги ҳудуд билан бирга ўрганишга туғри келади. Сабаби, республикамизнинг кўпчилик шаҳарлари, айниқса, кичик шаҳарлар ўз атрофидаги ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан зия боғлиқ.

Халқобод шаҳрининг энг катта халқ хўжалиги корхонаси “Халқобод мамығы” корхонаси тулалиги билан қишлоқ хўжалиги ривожланишига боғлиқ ривожланади. Кейинги йиллари бу корхонани похта хом ашёси билан таъминловчи хужаликларнинг похта етиштиришнинг камайиши корхонанинг фақат ярим имкониятта ишлашига олиб келмоқда. Бу корхонада ишловчиларнинг иш фаолиятига катта таъсир этмоқда. Сабаби, похта февраль, март ойларида тугаб қолиши ишчиларнинг мажбурий таътилга чиқиб кетишига олиб келмоқда. Бу эса уларнинг турмуш даражасига катта таъсир кўрсатмоқда.

Кейинги даврда бозор иқтисодиётига ўтишга боғлиқ шаҳар иқтисодиётида иқтисодийпасайиш кўзатилмоқда. Аммо, давлатимизда бозор иқтисодиётига босқичма-басқич ўтиш орқали бу шароитни яхшилаш учун тула имкониятлар мавжуд. Бунинг учун шаҳарда меҳнат ресурслари, малакали етукмутахасислар етарли даражада.

Шаҳарда келажакда майда ва урта бизнесни ривожлантириш орқали ишларни кенгайтириш лозим. Бунинг учун банкнинг узоқ муддатли кредитлари асосида қишлоқ хужалик хом ашёлар асосида ишлайдиган ва тутунув молларини ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарни кўплаб қуриш керак. Шунингдек келажакда шаҳарнинг социал шароитига етарли даражада эътибор бериш лозим. Аҳолига хизмат кўрсатиш, савдо, соғлиқни сақлаш, шаҳар тозалиги ва култамзорлаштириш масалалрига катта диққат қаратиш мақсадга мувофиқ. Шаҳар қиёфасини ҳозирги замонга мос кўрсатиш керак.

Бунинг учун шаҳар ҳокимияти урта ва узоқ муддатга мулжалланган дастур ишлаб чиқиши лозим. Ҳозирги вақтда аҳолининг айниқса болаларнинг шаҳарда бирон бир дам

олиш ўрни йўқ. Бул масалаларни чуқур уйлаб кўриш вақти келди ва ўтиб ҳам кетти деб уйлаймиз.

Турар жой муаммосини ечиш ва уларнинг ташқи қиёфасини ҳозирги замон талабига жавоб берадиган шунингдек ландшафтга мос тушадиган қилиб қуришга катта итибор қаратиш керак.

Кархоналарнинг кейинги 2-3 йилдаги ҳолати уларнинг ривожланишида оз булса ҳам ижобий силжишлар бор эканлигини кўрсатади. Бу нарсa шу йўналишда боришини таъмин қила олсак шаҳар иқтисодини ва социал ривожланишни туғирлаш имконияти борлигига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

ХУЛОСА

Жамиятта ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос ривожланиш йўли мавжуд. Халқобод шаҳри шаҳар статусини олганлиги атига 20 йилга яқин бўлишига қарамасдан, ўзининг узоқ тарихига эга. Аммо биз битирув ишимизда унинг фақат давлатимиз мустақиллиги йилларидаги иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ва муаммоларига тўхтадик.

Халқобод шаҳри Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли сони жиҳатидан энг кичик шаҳар бўлишига қарамасдан, ундаги муаммолар катта ва кўп қамровли.

Биз илмий ишимиз давомида қуйидаги нарсаларни аниқлашга эришдик:

1. Аҳолининг усишидаги кейинги даврдаги кескин пасайиши тенденцияси кузатилади. Аммо бу ерда қувонарли ҳолат бир ёшгача болаларнинг улимчилик курсаткичининг пасайишидир.

2. Шаҳарнинг асосий қорхоналарининг иқтисодий курсаткичларининг пасайиши туғридан-туғри уларни хом ашё билан таъминловчи қишлоқ хужалиги қорхоналарининг махсулдорлигига боғлиқ.

3. Кейинги 2-3 йилда шаҳарнинг қорхоналарида дароматнинг купайиши кузатилмоқда.

4. Аҳолига хизмат курсатиш маданият тармоғи, сифати ва ривожланиш даражаси бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермайди.

5. Шаҳарнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини яхшилаш учун куп тармоқли хужалик турларини купайтириш мақсадга мувофиқ деп уйлаймиз. Бу масала ҳукумат томонидан қўллаб қуватланиши керак. Бу нарсa президентимиз тамонидан давлатимизни ислоҳат қилишдаги асосий бешта тамойилнинг биттаси бўлиб ҳисобланади. Ушбу масалаларни ҳисобга олган ҳолда шаҳар ҳокимияти шаҳарни ривожлантиришнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Уни амалга оширишда шаҳар буйича дифференциал ёндошиш тамойилини қўллаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Узбекистан свои путь обновления и развития. Ташкент. 1992.
2. Каримов И.А. Деҳкончилик тараққиети - фаровонлик манбаи. -Ташкент., «Ўзбекистон», 1994
3. Матмуратов Дж. Агроклиматические условия Северо-Западного Узбекистана. - Нукус, 1989.
3. Қарақалпақстан АССР тарийхи. Нөкис 1989.
4. Рафиқов А.А., Тетюхин Ф. Снижение уровня Аральского моря и изменения природных условий низовьев Амударьи. - Ташкент, 1981.
5. Саманов Ж.С. и др. Геология и полезные ископаемые Каракалпакии. – Ташкент, - 1973.
6. Усенов Е. Ийшан қала. Нөкис, 1997.
7. Кегайли туман ҳокимияти статистика бошқармасининг статистик маълумотлари. 1992-2011 йй.
8. Халқабод шаҳар ҳокимияти статистик маълумотлари. 1992-2011 йй.

Иловалар

1-илова

Об Утверждении указа Президиума
Верховного Совета Каракалпакской
АССР об отнесении городского
посёлка Халкабад Кегейлинского
района к категории городов районного
подчинения

Президиум Верховного Совета Узбекской ССР постановляет:

Утвердить указ Президиума Верховного Совета Каракалпакской АССР от 12-м
марта 1986-года №23 об отнесении городского посёлка Халкабад Кегейлинского
района к категории городов районного подчинения.

Председатель Президиума
Верховного Совета Узбекской ССР

А.Салимов

Секретарь Президиума

Л.Беккульбекова

г.Ташкент
«9» апреля 1986 года
№ 843- XI

Маданий-маиший бинолар сигими ва улар учун ажратиладиган ер майдонини аниклаш

№	Корхоналар, бинолар ва иншоотлар номи	1000 киши учун курсаткич	Ажратиладиган ер майдони, га	Эслатма
1	Болалар богчаси	180 урин	0,004 га бир урин учун	
2	Мактаб	150 урин	1,2-3 га мактаб учун	
3	Клуб	120-180 урин	0,60 га бир мактаб учун	
4	Кутубхона	7-10 минг китоб	Бир кутубхона учун 0,3 га	
5	Ёзги кинотеатр	120-200	Бир театр учун	
6	Кишлоқ совети	Поселкага битта	0,1	
7	Хужалик идораси	Хужалик учун бир идора	0,1	
8	Жамгарма банк ва алоқа булими	Поселкага битта	0,1	
9	Маиший хизмат курсатиш корхонаси	9-11 урин	0,25 бир корхонага	
10	Хаммом	5-6 урин	0,2 бир хаммомга	
11	Кир ювиш цехи	30-40 кг. Кир	0,5 бир корхонага	
12	Душ	15-20 урин	0,5 бир корхонага	Хаммомларда жойлашадилар
13	Ошхона	25-40 урин	Бир урин учун 0,003 га	Савдо марказидан жойлашадилар
14	Чойхона	10 урин	0,15 га бир чойхонага	
15	Нонвойхона	0,8 т.бир кунда	0,1 га	
16	Озик-овкат магазини	4-урин	0,2 га бир магазинга	Савдо марказидан жойлашадилар
17	Саноат магазини	4-урин	0,2 га	Савдо марказидан жойлашадилар
18	Мехмонхона	6-урин	Бир объект учун 0,1 га	Савдо марказидан жойлашадилар
19	Ногиронлар уйи	2-4 урин	0,2 га бир объект учун	

20	Духтирхона тугрукхона	ва	Поселка учун бир объект	0,5 га	
21	Дорихона		Поселка учун бир объект	0,1 га	
22	Спорт комплекси		Поселка учун битта	0,1-1,5 га	
23	Ут учириш жамияти		Поселка учун битта	0,3-0,5 га	

3-илова

Кварталларнинг эни, узунлиги, кучаларининг майдони ва узунлигининг,
тармоқларининг майдони ва шакллари бoғлиқлиги

Бир оилага бериладиган томорканинг майдони, эни ва узунлиги			Кварталларнинг майдони, эни, узунлиги			Кварталларга тааллуқли кучаларнинг майдони (куча эни 15 м бўлганда)		Кучалар и зичлиги
Узунли ги, м	эни, м	майдони, га	узунл иги, м	эни, м	майдон и, га	га	%	
1	2	3	4	5	6	7	8	9
40	15	0,05	300	98	2,4	0,59	19,7	
35	20	0,07	300	70	2,1	0,58	21,6	
40	18	0,07	300	80	2,4	0,59	19,7	
45	16	0,07	300	90	2,7	0,60	19,3	
40	20	0,08	300	88	2,4	0,59	19,7	
45	18	0,08	300	70	2,7	0,60	19,3	
30	16	0,13	300	100	2,7	0,62	17,1	
65	20	0,13	300	130	3,9	0,64	14,2	
72	18	0,13	300	144	4,3	0,67	13,4	
82	16	0,13	300	164	4,9	0,70	12,5	
70	20	0,13	300	140	4,2	0,66	11,7	
76	18	0,14	300	156	4,7	0,68	12,6	
88	16	0,14	300	176	5,3	0,71	11,8	
75	20	0,15	300	150	4,5	0,78	13,5	
100	15	0,15	300	200	6,0	0,77	11,4	
150	10	0,15	300	300	9,0	0,92	9,3	

4-илова

Аҳолининг уйлари, жамоа бинолари билан ишлаб чиқариш ҳудуди орасидаги
санитария-химоя масофаси, м

Ишлаб чиқариш комплекслари номи	Аҳоли уйлари, жамоа биноларига	Катта серкатнов йулгача
Кора мол фермалари:		
-400 сигиргача	100	50-100
-800 сигиргача	200	50-100
Чучка фермалари:		
-3000 бош	300	100
-10000 бош	500	100
-24000 бош	1000	300
Куйчилик фермалари:		
-3000 бошгача	200	
-3000 дан куп	300	
Йилкичилик фермасига	100	200
Паррандачилик фермаларига	200	200
Куйчилик ва бошка хайвон фермаларига	300	300
Даволаш пунктигача	200	100
Ойнали пайкалларгача	50	
Дон, сабзавот, меваларни кайта ишлаш пунктигача	100	
Машина-трактор паркигача	100	
Автомашина-тракторларни сақлайдиган айвонларгача	100	
Дон, сабзавот омборларига	50	
Ўқилги сақлайдиган омборгача	100	
Минерал уғитлар омборига	200	
Хужалик ховлисига	50	

5-илова

Жамоа майдони учун ажратиладиган ер майдони

Посёлкада ги аҳоли сони	Бир кишига ажратиладиган майдон меъёри, м²	Жамоа майдони учун ер майдони, га	Посёлка майдони, га	Жамоа майдони учун ажратиладиган ер майдончасига
500	5,00-10,0	0,25-0,30	25	0,20-0,30
1000	3,00-5,00	0,30-0,50	25-70	0,30-0,50
2000	2,00-3,00	0,40-0,60	60-75	0,50-0,60
3000	1,75-2,0	0,50-0,60	75-100	0,60-0,70
4000	1,50-1,75	0,60-0,70	100-150	0,70-1,0
5000	1,25-1,50	0,60-0,75	150-200	1,00-1,2
10000	1,00-1,25	1,00-1,25	200 дан кун	1,20 ва купрок

**ХАЛҚАБАД ПОСЕЛКАСИ 1,2,3,4-МАҲАЛЛАЛАР ЙИҒИНИ ХУДУДИДА
ИСТИҲОМАТ ҚИЛУВЧИ АҲОЛИ БЎЙИЧА
М А Ъ Л У М О Т (01.03.2011 йил ҳолатга)**

№	Кўрсаткичлар	1-МФЙ	2- МФЙ	3- МФЙ	4-МФЙ	Жами
1	Оилалар сони	560	522	630	634	2346
2	Аҳоли сони	3386	2737	3918	3919	13960
	Эркаклар	1781	1380	1985	2017	7163
	Аёллар	1605	1357	1933	1902	6797
	Ёшлар	739	880	1311	856	3786
	18 ёшгача болалари бор оилалар сони	490	392	565	628	2075
	2 ёшгача болалари бор оилалар сони	243	198	220	249	910
3	Маълумоти бўйича жами, шундан	720	1786	1451	1700	5657
	Олий	134	145	98	219	596
	Ўрта	296	850	358	912	2416
	Ўрта махсус	287	790	995	566	2638
	Билимга эга эмас	3	1	-	3	7
4	Жами меҳнатга яроқли аҳоли	1930	641	1505	1820	5896
	Эркаклар	936	318	745	1015	3014
	Аёллар	994	328	760	805	2887
5	Жами иш билан банд бўлмаганлар	330	270	315	724	1639
	Эркаклар	194	128	220	315	857
	Аёллар	136	148	95	408	787
6	Иш билан банд бўлганлар сони	901	271	435	420	2027
а	расмий иқтисодий секторларда банд бўлганлар сони	901	245	315	420	1881
б	норасмий иқтисодий секторларда банд бўлганлар сони	-	26	120	-	146
7	Меҳнатга яроқли бўлганлардан					
	Иш билан таъминланганлар	901	271	339	1110	2621
8	Ишсизлар	330	245	251	536	1362
	Эркаклар	194	108	129	332	763
	Аёллар	136	137	122	204	599
9	Кам таъминланган оилалар сони	356	93	110	371	930
10	Судланганлар сони	8	4	6	12	30
11	Иш жойи	-	271	435	320	
	Давлат	-	245	315	220	

	Нодавлат		26	120	100	
12	Хорижга кетганлар					
	Қозоғистонга					
	Россияга					
	Бошқа давлатларга					
13	Ногиронлар	100	219	324	141	784
	1-гурӯх	10	6	8	19	43
	2-гурӯх	79	194	118	102	493
	3-гурӯх	3	16	14	20	53
	Туғма ногиранлар сони	8	6	14	14	42
14	Нафақадагилар	380	67	215	263	925
15	Барча корхоналар сони	3	4	5	17	29
	Жумладан давлат корхоналари	3	2	5	9	19
	Ўларда ишловчилар	69			431	500
16	Мектеплар сони			1	2	3
	Уларда ўқувчилар сони			738	1295	2033
17	Коллежлар			1		1
	Уларда ўқувчилар сони			1005		1005
18	Транспортлар сони	59	29	69	84	241
19	Ер майдони	132	119	189	202	642
20	Кўчалар сони	15	16	20	18	69
	Шундан асфальтлангани	5	6	4	7	22
	Асфальт қилиниши керак	10	10	16	11	47
21	Водопровод тортилиши лозим кўчалар сони	8	7	12	5	32
	Узунлиги, км	12	6,2	4,5	3,5	26,2